

6/2022,
noyabr-
dekabr
(№ 00062)



ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

Шанасирова Нодира Абдуллаевна

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти" Миллий тадқиқот университети, PhD, доцент. Тошкент, Ўзбекистон. nodirashanasyrova@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a5

Аннотация

Мақолада давлат секторида ички аудит хизматинини ташкил қилиш ва ўтказишга доир тадқиқот олиб борилди. Ички аудитни ташкил этишнинг амалдаги ҳолати ва хориж тажрибасини ўрганиш асосида турли хориж мамлакатларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва ишлаш механизмини ўрганган ҳолда республикамизда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: давлат сектори, ички аудит, харажат, бюджет, молиялаштириш, соғлиқни сақлаш тизими.

Аннотация

В статье проведено исследование по организации и внедрению службы внутреннего аудита в государственном секторе. На основе изучения современного состояния организации внутреннего аудита и зарубежного опыта сделаны предложения и рекомендации по внедрению службы внутреннего аудита в разных зарубежных странах и механизму ее функционирования в нашей республике.

Ключевые слова: государственный сектор, внутренний аудит, стоимость, бюджет, финансирование, система здравоохранения.

Abstract

In the article, a study was conducted on the organization and implementation of the internal audit service in the public sector. Based on the study of the current state of the internal audit organization and foreign experience, suggestions and recommendations were made on the implementation of the internal audit service in different foreign countries and the mechanism of its operation in our republic.

Key words: public sector, internal audit, cost, budget, financing, healthcare system.

Кириш

Дунё амалиётида соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисобини юритиш, кўрсатилган хизматлар таннархига харажатларни тақсимлаш, ресурслар ҳисобини юритиш, харажатларни келтириб чиқарувчи омилларни тўғри аниқлаш, мижозлар билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш, операция ва даволашга кетган вақт ва реал ресурслар сарфи бўйича алоҳида ҳисоб юритиш, операция (даволаш)га тайёрлагунча бўлган стандарт харажатлар ҳамда операция (даволаш) харажатлари ҳисобини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб

борилмоқда. Айни пайтда, короновирус билан касалланган ҳар бир беморга сарфланадиган харажатларни оптималлаштириш, харажатларни объектлар ўртасида тўғри тақсимлаш ҳамда назоратини юритиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит, молиявий назорат ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамизда соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишини назорат қилиш, харажатларни калькуляция моддалари бўйича тўғри тақсимлаш, аудитни самарали ташкил қилиш бугунги кунда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, ташкилотларда “бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит” ўтказиш [1] вазифаси белгиланган. Бу эса, соғлиқни сақлаш муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Давлат секторида ички аудит хизматинини ташкил қилиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун бюджет ташкилотларида ички аудитнинг моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз.

Ян Ван Тайнен, П.П. Андреевлар “давлат секторида ички аудитни ташкилот раҳбари томонидан қўйилган мақсадга эришишда ички назорат тизими ва унинг самарадорлигига баҳо беришга тизимли ёндашиш бўйича фаолият деб қарашади” [2].

А.К.Ибрагимов ва Б.Б.Сугирбаевлар бюджет ташкилотларида ички аудитни қўйидагича эътироф этишган: “Ички аудит – объектив фаолият бўлиб, ички назоратни самарали амалга оширишга йўналтирилган, тузилаётган ҳисоботларни ва бюджет ташкилоти фаолияти самарасини ҳамда самарадорликни ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилишга йўналтирилган” [3].

С.Меҳмонов эса бюджет ташкилотларида ички аудитга қўйидагича таъриф берган: “Ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлаш, бюджет – смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир” [4].

Б.Тўйиновнинг фикрича, “Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит деганда - бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, молиявий жараёнларнинг қонунийлиги ва молиявий назорат тизимига ҳолисона баҳо берувчи, ташкилот харажатларининг асосли режалаштирилиши ва сарфланиши юзасидан профессионал маслаҳатлар беришга ихтисослашган тизим тушунилади” [5].

Биз тадқиқотларимиз ва ўрганишлар асосида ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш жиҳатидан айрим тушунчаларга такомиллаштирилган таърифлар шакллантирдик: **“Ички аудит - бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузиш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақлаанишини, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш, муассаса фаолияти сифатини баҳолаш, камчилликларни аниқлаш ҳамда натижаларни белгиланган тартибда расмийлаштирувчи тизими”**.

Мамлакатимизда давлат секторида ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ҳуқуқий асослар мавжуд бўлишига қарамай, ушбу тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Олиб борилган тадқиқотларда давлат секторлари учун ички аудит хизматини ташкил қилиш ва ўтказишга доир тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги мавзунинг кенгроқ тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Илмий изланишлар жараёнида таҳлил ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлилнинг самарали усулларида фойдаланилди. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил соҳалари ёрдамида муаммони чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат секторида ички аудит хизматинини ташкил қилиш ва ўтказишга доир илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Давлат секторида ички аудитни ташкил этишнинг халқаро амалиётига назар солсак, ушбу жараён алоҳида йўналиш эканлигини кўриш мумкин. Бозор иқтисодитёти ривожланган мамлакатларда давлат секторида ички аудитни ташкил этиш ва методологик таъминотида асосий ўринни Молия вазирлиги эгаллаган. Жумладан, Францияда Давлат молиявий назоратини ўрнатишда ички аудитнинг ролини кучайтириш мақсадида “Ички аудитни гармонизациялаш бўйича марказий қўмитаси (CHAI)”. Францияда давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирликларда ички аудит қўмиталари фаолият кўрсатмоқда” [6].

Буюк Британияда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. Мазкур стандартларни ишлаб чиқишнинг алоҳида хусусияти шундаки, уларни ишлаб чиқишда Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар (Relevant internal audit standard setters) томонидан белгиланган талаблар асос сифатида олинади. “Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар таркибига Давлат молияси ва бухгалтерия ҳисоби жамоат институти (CIPFA), HM Ҳазначилиги (HM Treasury), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги киради” [7].

Россия Федерациясининг Бюджет Кодексига биноан ички аудитни ташкил қилиш бўйича Молия вазирлиги томонидан 2014 йилда “Ички молиявий аудитни ўтказиш Қоидаси”[8], 2016 йилда эса “Ички молиявий аудитни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар”[9] ва шу каби бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш Вазирлигида ҳам ички назорат тизимини шакллантириш ва баҳо бериш ички аудит хизматига юклатилган. Тизимда ички аудит хизмати фаоляти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 27 декабрда тасдиқланган “Ички аудит ва молиявий назорат хизмати тўғрисидаги вақтинчалик НИЗОМИ” асосида шакллантирилган.

Тизимда ички аудитни ташкил этишнинг зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Тиббиёт ва таълим муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3231-сонли қарори қабул қилинганлиги натижасида юзага келди. Мазкур қарорда Соғлиқни сақлаш вазирлигида ички аудит ва молиявий назорат хизматини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага, шу жумладан соғлиқни сақлаш тизимига катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бутун дунёда бўлганидек, 2020-2021 йилларда коронавирус пандемияси Covid-19

Ўзбекистонда ҳам соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммоларни туғдирди. Касалланганлар сонининг ўсиши ва эпидемиологик ҳолатнинг бузилиши қўшимча чора тадбирларнинг амалга оширилишига, 2020 йилда соғлиқни сақлашга давлат харажатларининг кўпайиши кўп жиҳатдан коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун қўшимча ресурсларни сафарбар қилишга олиб келди.

Маълумотларга кўра, Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга 2020 йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағлар 20752,9 млрд сўмни ташкил қилди. 2021 йилда соҳага 21047,8 млрд сўм йўналтирилди, бу 2020 йилдагига қараганда 1,1 баробар кўпдир.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича сарф-харажатларнинг ошиши 2021 йилда бошқа соғлиқни сақлаш харажатлари учун ажратиладиган маблағлар миқдорига таъсир кўрсатмади. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар ҳажми ЯИМ нинг 3,1 фоизини ташкил этди ва бу харажатлар асосан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилди[10].

Ушбу маблағларни давлат бюджетдаги улуши сезиларли бўлиб, маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш долзарбдир. Шунинг учун ҳам молиявий назорат усуллари тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир, чунки якуний натижага эришиш ва назоратнинг самарадорлиги субъектларни назорат қилиш орқали муайян ҳаракатлар ва воситаларни тўғри танлашга боғлиқ. Бошқа томондан, молиявий назорат усуллари ва усуллари етарли даражада қўллаш хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолиятига аралашмаслик имконини берадиган назорат қилинадиган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

“Ички аудит – корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, таъсис ҳужжатлари ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоида ва тамойиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти тушунилади” [11].

Ички аудит фаолиятини жорий қилиш, аввало, бюджет ташкилотларида бюджетдан ажратмалар ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни самарали ташкил этишга боғлиқ. Бугунги кунда тадқиқот объектимиз ҳисобланмиш соғлиқни сақлаш тизимида ички аудит хизматини тўғри ташкил этиш зарурати юзага келмоқда.

Шу ўринда, ички аудитни ташкил этишнинг асосий талабларига тўхталадиган бўлсак, яъни:

- бирламчи назорат ҳуқуқларининг бир кишининг қўлида сақлаб туриш;
- ташкилотнинг манфаатларини талаб қилиш;
- ички назорат мувофиқлиги талаби;
- мослашувчанлик, ривожланиш ва такомиллаштиришнинг давомийлиги талаби;
- текшириш жараёнида кераксиз босқичларни бартараф этиш;
- жавобгарлик талаби;
- тартибга солиш талаблари;
- назорат қилиш.

Этибор берадиган бўлсак, ҳар қандай ҳолатда ҳам ички аудит хизматини ташкил этишдаги катта масъулият жавобгар шахс, яъни аудитор зиммасидадир. Шу жиҳатдан ҳам бундай касбий масъулиятдаги шахс фаолиятини унутмаслик лозим.

Бизга маълумки, ички аудит фаолияти ички аудит режасига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш керак. Бунинг учун масъул шахс, яъни ташкилот аудитори томонидан режа ишлаб чиқилади ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланади.

Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлаш керак:

- барча ҳужжатлар, режалар, реестрлар, смета ва молиявий фаолият тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни бухгалтерия ҳисоби;

- бухгалтерия ҳисобида операцияларни акс эттирилиши тўғрилигини кузатиш;

- корхонанинг ҳудудларини, хўжалик, хизмат кўрсатиш, омборхона, қурилиш объектлари ва бошқаларни ўрганиш;

- ташкилотга тегишли мол-мулк ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман инвентаризация қилишни талаб қилиш, зарур ҳолларда кассаларни, ҳужжатлар сақланадиган махсус хоналарни, архивларни ва бошқа жойларни муҳрлаб қўйиш;

- ташкилотни ташқи аудит ва солиқ органлари билан боғлиқ фаолият бўйича тайёрлаш.

Шунингдек, ички аудит хизмати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати тўғрисида доимий равишда амалдаги қонунчилик доирасида бажарилаётганлигини назорат қилиши, уларга ташкилот манфаатлари билан мувофиқлигини доимий равишда текшириши, керак бўлса молиявий муносабатларга доир суд билан боғлиқ жараёнларда ҳам хизмати доирасида фаолиятини олиб бориши керак бўлади. Ташкилот томонидан масъул аудитор (ички аудит хизмат бошлиғи) мақсадларига эришиши учун мустақил, холис, масъулиятли ва махфийлик хислатларига эга бўлиши керак" [12].

Авваламбор, мустақиллик, яъни ҳар бир ички аудитор ўз ҳамкасблари, шу жумладан, бошқарув ходимларидан мустақил бўлиши керак. Ички аудит бўлими қарорлар қабул қилинадиган бошқарув даражаларига нисбатан мустақил ва нейтрал бўлиши керак.

Холислиги, аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида ҳисобот беришда ички аудитор фактларни гумонлардан аниқ ажратиб туриши керак.

Масъулиятлилиги шундаки, ички аудиторнинг ўз қобилияти ва касбий малакаси доирасида ишни бажаришга тайёрлиги, шунингдек, фақат ўзларининг ҳаракатларига жавобгар эмас, балки ички аудит органининг камчилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлигини англатади. Ички аудиторлар ўзларининг профессионал даражасини, самарадорлиги ва сифатини доимий равишда яхшилашга ҳаракат қилишлари керак.

Махфийлик ички аудиторларнинг ўз вазифасини бажариш давомида олинган маълумотларни қўллашда эҳтиёт бўлишлари керак. Улар шахсий ёки бошқа мақсадлар учун махфий ахборотдан фойдаланмасликлари керак. Бундан ташқари, улар расмий алоқаларни ўз шахсий мақсадлари учун ишлатмасликлари керак. Шунини таъкидлаш керакки, текширишлар ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни қарор қабул қилишга ваколатли шахсга ўтказиш пайтида ички аудиторлар нусхаларини, лойиҳаларни ёки бирон бир ахборотни белгиланган жойлардан ташқарида ҳар қандай ахборот воситаларида сақламасликлари керак.

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси" да кўплаб вазифалар белгилаб берилганки, бу

ўз навбатида, мамлакатмиздаги барча жабҳада қонунчиликни такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Ҳақиқатдан, сўнгги йилларда молиявий назорат ва ички аудит хизматларининг ташкил этилишидаги камчиликларнинг мавжуд эканлиги ўзининг салбий томонларини кўрсатиб берди. Яъни давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг самарасиз ишлатилиши ва талон-тарож қилинишига олиб келган. Жумладан, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида 7 млрд сўмлик талон-торожликлар қилинган, яъни 9,256 млрд.сўмлик дори воситалари 14,902 млрд.сўмга, 5,643 млрд.сўм қиммат нархда сотиб олинган” [13]. Бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида кўплаб янги меъёрий-ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Юқорида таъкидлаганимиз каби барча чора-тадбирларнинг бош мақсади аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида молиявий назорат ва ички аудит хизматларини такомиллаштиришдан асосий мақсад, бюджет маблағларидан тўғри фойдаланишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ва харажатлари устидан назорат ўрнатилиши билан белгиланади. Албатта, доимий равишда назоратни амалга оширилиши, давлатимиздаги турли талон-тарожликлар, ортиқча сарф-харажатларни чегаралайди ҳамда молия-хўжалик фаолиятини доимий равишда барқарор ишлашига хизмат қилади.

Ички аудит хизмати бюджет ва бюджет муассасининг бухгалтерия ҳисобини юритишга доир қонунчилигига риоя қилинишини доимий мониторинг қилиб бориши лозим.

Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари ҳар йили белгиланган тартибда, ҳам бюджет маблағлари назорати бўйича ҳам хўжалик ҳисоби бўйича малакаларини ошириб боради ва уларга малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотимиз бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларимизни шакллантирдик:

соғлиқни сақлаш тизимидаги ички аудит хизмати давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобига хизмат кўрсатиши ҳамда пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам ўз хулосаларини тақдим этиши лозим. бунда фақатгина давлат томонидан ажратилган маблағларнигина эмас, балки пуллик тиббий-хизмат кўрсатишда ҳам талон-тарожликларга йўл қўйилмайди.

ички аудит хизмати бюджет ва бюджет муассасининг бухгалтерия ҳисобини юритишга доир қонунчилигига риоя қилинишини доимий мониторинг қилиб бориши лозим.

- ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари ҳар йили белгиланган тартибда, ҳам бюджет маблағлари назорати бўйича ҳам хўжалик ҳисоби бўйича малакаларини ошириб боради ва уларга малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилиши керак.

- ички аудит ва молиявий назорат хизмати соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти бўйича республика кенгашлари ёки жамоатчилик кенгашлари қарори билан ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. ҳамда шу кенгаш олдида ҳисобдор бўлиши билан бир вақтнинг ўзида хизмат ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатишни ҳам кенгаш ҳал қилиши лозим.

- ички аудит дастурида бюджет маблағлари ва у бўйича хулоса бериш билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда уларнинг кими ва ишлатилиши ҳолатини текшириш бўйича алоҳида банд киритиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6300-сон фармони.

2. Андреев, П.П. Внутренний контроль и аудит в секторе государственного управления и европейский опыт / П.П. Андреев. - Киев: Кафедра, 2011. - 120с. (с.7)

3. Ибрагимов А.К.,Сугирбоева Б.Б. Бюджет назорати ва аудити.Ўқув қўлланма. Info COM.Uz.MЧЖ.Т.:2010.

4. Меҳмононов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.и.ф.д.(DSc) дисс.Тошкент,2018.55-бет.

5. Тўйинов Б. И. Олий таълим ташкилотларида ички аудитни қўллашнинг услубий жиҳатлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018.1-8 бет.

6. КолесникА.Л. Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета. Дисс. к.э.н. Москва. 2017. С-45.

7. <http://www.iasab.org/> -Буюк Британиянинг Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши расмий веб сайти.

8. Правила осуществления главными распорядителями средств федерального бюджета, главными администраторами доходов федерального бюджета, главными администраторами источников финансирования дефицита федерального бюджета внутреннего финансового контроля и внутреннего финансового аудита: [Постановление Правительства РФ от 17.03.2014 года № 193 (ред. от 23.04.2016)], [Электронный ресурс] // СПС «Консультант Плюс»: Законодательство: Версия Проф. – Режим доступа: <http://www.consultant.ru> (дата обращения: 25.12.2018).

9. Методические рекомендации по осуществлению внутреннего финансового аудита: [приказ Министерства финансов России от 30.12.2016 года № 822 (ред. от 30.12.2016)], [Электронный ресурс] // СПС «Консультант Плюс»: Законодательство: Версия Проф. -Режим доступа: <http://www.consultant.ru> (дата обращения: 20.01.2019).

10. Фуқаролар учун бюджет: 2021 йил Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом.

12. Шанасирва Н.А. “Соғлиқни сақлаш тизимида ички аудитни ташкил қетиш зарурияти” Молия ва банк иши электрон илмий журнали. 3-сон 2019й., 110-116 б.

13. Халқ сўзи(онлайн), 2020 йил 5 январь.